



## О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI HOKIMINING QARORI

Namangan sh. Istiqlol ko‘chasi 57.

2022 йил «19» март

177-6-0-Q/22

Наманган вилояти ҳокимлиги

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Наманган шаҳрида “Янги Наманган шаҳарчаси” замонавий ишбилармонлик маркази ва турар жойлар комплексини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 11 мартдаги ПҚ-160-сон қарори ижроси ҳақида**

Наманган шаҳрининг меъморий қиёфасини янада яхшилаш ва ободонлаштириш, хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун жозибadorлигини ошириш, шунингдек шаҳарнинг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш, замонавий бизнес, молиявий ва туристик инфратузилмаларни жадал ривожлантиришни таъминлаш ҳамда сервис хизматлар турлари ва сифатини ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Наманган шаҳрида “Янги Наманган шаҳарчаси” замонавий ишбилармонлик маркази ва турар жойлар комплексини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 11 мартдаги ПҚ–160-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10 ва 25-моддаларига мувофиқ,

### ҚАРОП ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Наманган шаҳрида “Янги Наманган шаҳарчаси” замонавий ишбилармонлик маркази ва турар жойлар комплексини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 11 мартдаги ПҚ–160-сон қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан:

Наманган вилояти ҳокимлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг:

Наманган шаҳри Давлатобод тумани ва Тўрақўрғон тумани ҳудудида “Янги Наманган шаҳарчаси” замонавий ишбилармонлик маркази ва турар жойлар комплексини (кейинги ўринларда - Янги Наманган шаҳарчаси) барпо этиш;

Наманган вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги “Namangan New City” дирекцияси номини Наманган вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги “Янги Наманган шаҳарчаси” замонавий ишбилармонлик маркази ва турар жойлар комплексини барпо этиш” дирекцияси (кейинги ўринларда - Дирекция) деб ўзгартириш тўғрисидаги таклифлари маъқулланганлиги;

“Янги Наманган шаҳарчаси”ни барпо этиш Наманган шаҳри Давлатобод туманининг “Юксалиш” ва “Орзу” маҳаллалари, Тўрақўрғон туманининг “Еттикон”, “Ибрат” ва “Парасмон” маҳаллаларининг туташ ҳудудларидаги 1-иловага мувофиқ жами 1203 гектар ер майдонида қуйидаги босқичларда амалга оширилиши:

I босқичда - 330 гектар;

II босқичда - **272 гектар**, шундан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар - **129,57 гектар**;

III босқичда - **601 гектар**, шундан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган - 378,83 гектар;

хар бир босқич олдинги босқич яқунланишига ва ер майдонларининг бош режада белгиланган тартибда ўзлаштирилишига кўра амалга оширилиши;

“Янги Наманган шаҳарчаси” барпо этиладиган ер майдонларини белгиланган тартибда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш қурилишнинг тегишли босқичини бошлаш олдидан амалга оширилиши;

бош режага мувофиқ, “Янги Наманган шаҳарчаси” ҳудудидаги умумий фойдаланишдаги ер участкалари инфратузилма объектлари ва ижтимоий аҳамиятга эга объектларни барпо этиш учун Дирекцияга доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилади, тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун, шу жумладан кўп квартирали уйлар, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини қуриш учун мўлжалланган ер участкалари эса белгиланган тартибда электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилиниши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Наманган вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлигининг “Янги Наманган шаҳарчаси” барпо этилиши режалаштирилаётган 1203 гектар ер майдонидан 2-иловага мувофиқ жами 508,4 гектар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган, шундан 436,2 гектар суғориладиган ер участкаларини аҳоли пунктларининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлари тоифасига ўтказиш тўғрисидаги ҳулосаси қабул қилинганлиги;

“Янги Наманган шаҳарчаси” замонавий ишбилармонлик маркази ва турар жойлар комплексини барпо этиш ишларини мувофиқлаштириш ва инвестиция лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи 3-иловага мувофиқ таркибда тузилганлиги ва унинг асосий вазифалари белгиланганлиги эътиборга олинсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

“Янги Наманган шаҳарчаси”ни барпо этиш мақсадида ер участкалари давлат ва

жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлиқ қоплангандан сўнг, ушбу ерлардан бошқа мақсадларда фойдаланилади;

Бунда, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 мартдаги ПҚ–160-сон қарорига мувофиқ олиниши сабабли, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича компенсация тўловлари ундирилмаслиги белгиланган;

“Янги Наманган шаҳарчаси” ҳудудида ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали сотишдан тушган тушумлар (Вазирлар Маҳкамаси қарорида белгиланган харажатлар чегириб ташланган ҳолда) Дирекцияга ўтказилади ва “Янги Наманган шаҳарчаси”ни барпо этиш ишларига сарфланади.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (С.Султанов, А.Ҳакимов), Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси (С.Мухитдинов) Тўрақўрғон туман ҳокимлиги (А.Мансуров):

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 мартдаги ПҚ–160-сон қарори 3-бандида назарда тутилган ер участкалари белгиланган тартибда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиб, Дирекцияга доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратишдан ёки электрон онлайн-аукционга чиқаришдан олдин уларнинг ер фонди тоифасига ўзгартириш киритилишини ва бу ҳақида давлат ер кадастри маълумотларида қайд этилишини таъминласин.

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари қисқариб кетишининг олдини олиш мақсадида 2024 йил 1 январга қадар, ҳар бир йил якунида тенг улушларда, ушбу қарор билан тоифаси ўзгартирилаётган суғориладиган ер участкалари майдонига тенг миқдорда янги ерлар ўзлаштирилишини таъминласин;

икки ой муддатда Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (А.Абдусаломов) биргаликда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Наманган илмий-тажриба станциясининг ушбу қарорга мувофиқ олиб қўйилаётган ер майдони ўрнига тенг миқдорда бошқа ҳудуддан белгиланган тартибда ер майдонини ажратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 мартдаги ПҚ–160-сон қарорига биноан, мазкур бандга мувофиқ янги ерларнинг ўзлаштирилганлиги Наманган вилояти ҳокимининг ўзлаштирилган ер участкаларининг ер фонди тоифасини суғориладиган ерлар тоифасига ўтказиш тўғрисидаги қарорига асосан давлат ер кадастри маълумотларига ўзгартириш киритиш орқали тасдиқланади.

#### 5. Қўйидагилар:

“Янги Наманган шаҳарчаси” замонавий ишбилармонлик маркази ва турар жойлар комплексини барпо этиш ишларини мувофиқлаштириш ва инвестиция лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда – вилоят Ишчи гуруҳи) таркиби 1-иловага мувофиқ;

“Янги Наманган шаҳарчаси”ни барпо этиш ва лойиҳаларни амалга ошириш ишлари бўйича вилоят Штаби (кейинги ўринларда – вилоят Штаби)нинг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Вилоят Ишчи гуруҳининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Янги Наманган шаҳарчасининг бош режасини ҳамда ҳудудларини батафсил режалаштириш лойиҳаларини кўриб чиқиш;

Янги Наманган шаҳарчасини тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида барпо этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, Дирекция фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

ваколатли ташкилотларнинг ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини тортиш бўйича ишларини мувофиқлаштириш;

давлат ва корпоратив харидлар очиклик ва шаффофлик тамойиллари асосида ўтказилишини ҳамда уларнинг назоратини таъминлаш;

Янги Наманган шаҳарчасини барпо этиш, ҳудудда кўп квартирали уй-жойлар, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларини самарали жойлаштириш, лойиҳалаштириш ва қуриш ишларини ташкил этиш;

лойиҳа-қидирув ва қурилиш ишларининг амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

комиссия ўз фаолиятини амалдаги қонунчиликка мувофиқ олиб боради ҳамда ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг рўйхатини шакллантиради, уларнинг мурожаатларини кўриб чиқади.

кўп квартирали уй-жойлар, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларини лойиҳалаштириш ва қуриш ишларига малакали хорижий мутахассис ва консултантларнинг жалб қилинишини, шунингдек, илғор хорижий технологияларнинг жорий этилишини таъминлаш.

7. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (С.Султанов):

тегишли мутасадди бошқарма ва ташкилотлар билан биргаликда вилоят Штабининг фаолиятини самарали йўлга қўйсин;

“Янги Наманган шаҳарчаси”ни барпо этиш бўйича амалга ошириладиган лойиҳалар ва юзага келадиган муаммолар ечими юзасидан кунлик муҳокама ўтказиб борсин.

8. “Янги Наманган шаҳарчаси”ни барпо этишнинг молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

“Янги Наманган шаҳарчаси”ни лойиҳалаштириш, қурилиш ишларини назорат қилиш ва бошқариш учун - вилоят маҳаллий бюджети маблағлари, Дирекция маблағлари

ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

ижтимоий соҳа объектлари, ташқи автомобиль йўллари, ичимлик сув ва оқова сув таъминоти тармоқларини қуриш учун - Ўзбекистон Республикаси бюджетидан ажратиладиган маблағлар, маҳаллий бюджет маблағлари, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, Дирекция маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Бунда, ижтимоий соҳа объектлари давлат-хусусий шериклик асосида қурилганда, молиялаштиришни давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ амалга ошириш;

ташқи электр энергияси ва табиий газ тармоқларини қуриш учун - Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳудудларда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 18 декабрдаги ПҚ-4929-сон қарорининг 2-бандида назарда тутилган маблағлар;

худудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун - Наманган вилояти маҳаллий бюджети маблағлари ва унинг қўшимча манбалари, тадбиркорлик субъектларининг маблағлари ва тижорат банкларининг кредитлари;

кўп квартирали уй-жойлар, бозор инфратузилмаси ва ижтимоий соҳа объектларини қуриш учун - тадбиркорлик субъектларининг маблағлари ва тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан амалга оширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини ҳамда Наманган вилоятидаги кичик саноат зоналарини ривожлантиришни молиялаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 14 июлдаги ПҚ-4782-сон қарорига мувофиқ, Наманган вилоятидаги кичик саноат зоналари фаолиятини янада ривожлантириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан ажратилган 50 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағларнинг иқтисод қилинган қисми Наманган вилоятининг ижтимоий ва муҳандислик инфратузилмасини ҳамда жамоат объектларини барпо этиш ва таъмирлаш учун йўналтирилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

10. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (С.Султанов) бир ой муддатда:

Наманган шаҳар ҳокимлиги (Ғ.Джамалов), Тўрақўрғон тумани ҳокимлиги (А.Мансуров), Давлатобод туман ҳокимлиги (А.Таджимирзаев), Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси (С.Мухитдинов), Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (А.Абдусаломов), Қурилиш бош бошқармаси (Д.Ниязов) ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Р.Расулов) билан биргаликда “Янги Наманган шаҳарчаси” барпо этилиши муносабати билан Тўрақўрғон туманидан зарур ер майдонини Наманган шаҳри Давлатобод тумани таркибига ўтказиш юзасидан Олий Мажлис палаталарининг қарорлари лойиҳаларини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифаси топширилсин.

11. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (О.Инамов) Дирекция (А.Раҳманов) билан биргаликда мунтазам равишда “Янги Наманган шаҳарчаси”га хорижий инвесторлар жалб этиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатларидаги ваколатхоналари томонидан ташкил этиладиган кўргазма ва ярмаркаларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш чораларини кўрсин.

12. Вилоят ҳокимлигининг Ахборот хизмати (Ф.Мамадалиев), Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси (А.Эргашев), Наманган вилояти телерадиокомпанияси (М.Мақсудов) Дирекция (А.Раҳманов) билан биргаликда “Янги Наманган шаҳарчаси”да амалга ошириладиган лойиҳалар юзасидан тарғибот ва медиа материалларини тайёрлаб, маҳаллий, марказий ҳамда чет эл оммавий ахборот воситаларида, шунингдек ижтимоий тармоқларда кенг ёритилишини ташкил этсин.

13. Ушбу қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш, шунингдек амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб бориш вилоят ҳокимининг ўринбосари С.Султанов зиммасига юклатилсин.

14. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Viloyat hokimi**



**Sh.Abdurazakov**

Namangan viloyat hokimining  
2022 yil 19 martdagi  
177-6-0-Q/22-son qaroriga  
1-ilova

**“Янги Наманган шаҳарчаси” замонавий ишбилармонлик маркази  
ва турар жойлар комплексини барпо этиш ишларини мувофиқлаштириш  
ва инвестиция лойиҳаларини қўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи**

**ТАРКИБИ**

- |     |                 |   |  |
|-----|-----------------|---|--|
| 1.  | Ш.Абдуразаков   | - | Наманган вилояти ҳокими,<br><b>Ишчи гуруҳи раҳбари</b>   |
| 2.  | Д.Адилов        | - | Қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари,<br><b>Ишчи гуруҳи раҳбари ўринбосари</b>  |
| 3.  | А.Воитов        | - | Инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари   |
| 4.  | А.Бобоев        | - | Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири<br>ўринбосари  |
| 5.  | Ж.Абруев        | - | Молия вазири ўринбосари  |
| 6.  | А.Аллаберганов  | - | Кадастр агентлиги директори ўринбосари   |
| 7.  | Т.Юсупов        | - | Наманган вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари   |
| 8.  | С.Султанов      | - | Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари   |
| 9.  | Ғ.Джамалов      | - | Наманган шаҳар ҳокими  |
| 10. | А.Мансуров      | - | Тўрақўрғон тумани ҳокими   |
| 11. | А.Таджимирзаев  | - | Давлатобод тумани ҳокими   |
| 12. | Д. Алиев        | - | Марказий банк вилоят бош бошқармаси бошлиғи  |
| 13. | Х.Сабилов       | - | Вилоят адлия бошқармаси бошлиғи  |
| 14. | А. Тиллаволдиев | - | Вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи   |
| 15. | Б. Матмусаев    | - | Давлат активларини бошқариш агентлигининг вилоят<br>бошқармаси бошлиғи   |
| 16. | А.Раҳманов      | - | Наманган вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги “Янги Наманган<br>шаҳарчаси” замонавий ишбилармонлик маркази ва турар-жойлар<br>комплексини барпо этиш” дирекцияси раҳбари |

*Изоҳ: Ишчи гуруҳи аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда ушбу лозимга янгидан тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариши юкланган шахслар киритилади.*

Namangan viloyat hokimining  
2022 yil 19 martdagi  
177-6-0-Q/22-son qaroriga  
2-ilova

**“Янги Наманган шаҳарчаси”ни барпо этиш ва лойиҳаларни амалга ошириш  
ишлари бўйича вилоят Штаби**

**ТАРКИБИ**

С.Султанов	Вилоят ҳокимининг ўринбосари, <b>Штаб раҳбари</b>
А.Таджимирзаев	Давлатобод тумани ҳокими, <b>Штаб раҳбари ўринбосари</b>
<b>Штаб аъзолари:</b>	
З.Бахриддинов	Вилоят Молия бош бошқармаси бошлиғи
Р.Расулов	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари
Д.Ниязов	Вилоят Қурилиш бош бошқармаси бошлиғи
С.Муҳитдинов	Давлат кадастр агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи
Н.Инамов	Давлат кадастрлар палатаси вилоят бошқармаси бошлиғи
А.Абдусаломов	Вилоят кишлок хўжалиги бошқармаси бошлиғи
Х.Уринов	Вилоят Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бошлиғи
Н.Каимов	Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари вилоят Кенгаши раиси
А.Хамдамов	Вилоят автомобил йўллари ҳудудий бош бошқармаси бошлиғи
Ж.Халилов	“Наманган ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ бош директори
И.Ширанов	“Наманган Сув таъминот” МЧЖ директори
Ш.Атаханов	“Худудгаз Наманган” ГТФ бош директори
А.Раҳманов	“Янги Наманган шаҳарчаси” дирекцияси ДУК директори ( <i>Штаб котиби</i> )

*Изоҳ: Штаб аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёки зиммасига тегишли йуққияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.*